

Эргашев С.А.
География кафедраси ўқитувчиси
Андижон давлат университети, Ўзбекистон

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА КЛАСТЕРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада, Андижон вилоятида саноат тармоқларини ривожлантириши ва жойлаштиришининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Тўқимачилик кластерларини ҳудудий ташкил этилиши ва вилоят иқтисодиётидаги аҳамияти очиб берилган.

Калим сўзлар: локоматив тармоқ, ўсиш нуқталари, енгил саноат, пахтачилик кластери, пахта этишиши ер майдонлари.

Эргашев С.А.
Преподаватель кафедры географии
Андижанский государственный университет, Узбекистан

ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ КЛАСТЕРОВ В АНДИЖАНСКОЕ ОБЛАСТИ

Аннотация: В данной статье рассматриваются особенности развития и размещения производств Андижанскоे области. Выявлена территориальная организация текстильных кластеров и их значение в экономика региона.

Ключевые слова: локомативная сеть, точки роста, легкая промышленность, хлопководческий кластер, хлопководческие угодья.

*Ergashev S.A.
Teacher of the department of geography
Andijan State University, Uzbekistan*

TERRITORIAL ASPECTS OF THE ORGANIZATION OF CLUSTERS IN THE ANDIJAN REGION

Annotation: This article discusses the features of the development and location of industries in the Andijan region. The territorial organization of textile clusters and their importance in the economy of the region are revealed.

Key words: locomotive network, points of growth, light industry, cotton cluster, cotton growing lands.

Андижон вилояти Фарғона водийсининг текислик ҳудудида асосан Қорадарё хавзасида жойлашган республикамизнинг энг шарқий ҳудудидир. Буюк ипак йўли устида жойлашганлиги қадимдан ҳудудда

хунармандчилик ва савдо-сотиқни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди, шу сабабдан республиканинг бошқа минтақалариға нисбатан хўжалик тармоқларини ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга;

➤ қишлоқ хўжалигида дехқончилик тармоқлари устун бўлиб, бу тармоқларини интенцивлиги билан ажралиб туради;

➤ демографик босимни юқори эканлиги бунга қарама-қарши ўлароқ ер ресурсларининг тақчиллиги мавжуд (республика экин майдонларининг 1% ни ташкил этади). Шу билан бир қаторда бу ҳолат қишлоқ хўжалиги тармоқларида кучли рақобат муҳитини шакллантирган;

➤ транспорт тўрининг мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан зичлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма яхши шаклланганлиги. Аҳоли зич жойлашганлиги ва ҳудуд кичиклиги сабабли аҳоли пунктлари орасидаги масофа катта эмас, бу эса ҳалқ-хўжалиги тармоқларини ривожланишига ижобий таъсир қиласи;

➤ минерал-хом ашё ресурсларига бой эмас ундирувчи саноатнинг ахамияти паст. Асосан қурилиш хом-ашёси ва йирик бўлмаган табиий газ конлари мавжуд;

➤ саноат тармоқларининг асосини қайта ишлаш тармоқлари ташкил этади. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб асосан машинасозлик ва енгил саноат тармоқлари шаклланган. Айниқса автомобилсозлик билан боғлиқ саноат коперацияси юксак даражада шаклланган. Саноат корхоналарининг мужассамлашуви даражаси юқори ва ҳудудий тафовутлар катта;

➤ Фарғона водийсидаги Фарғона ва Наманган вилояти ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан узвий боғланган. Аммо водийдаги бошқа маъмурий бирликлар (Қирғизистон, Тожикистон республикалари) билан коперацион алоқлар етарли даражада эмас.

Юқорида кўриб турганимиздек вилоятимизнинг ўзига ҳос устунлик ва камчилик жиҳатлари мавжуд, устун жиҳатларидан фойдаланишда бир қатор ишлар амалга оширилиши лозим:

- А)** мавжуд меҳнат ресурсларидан унимли фойдаланиш ва ишлаб чиқариш бирлашмаларини жойлаштиришда ахоли зичлигини инобатга олиш;
- Б)** мамлакатимизнинг ҳамда вилоят иқтисодий имкониятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш тамоқларни жойлаштириш;
- С)** мавжуд хом-ашё манбаларига асосланиб минтақани локаматив тармоғини ажратиб олиш;
- Д)** хўжалик тармоқларига давлат аралашувини камайтириш ва янгича бошқарув тизимини жорий этиш;
- Е)** транспорт тўри ва турини ривожлантириш айниқса водийдан ташқари ҳудудлар билан боғланишда имкониятларини ошириш. Вилоят инфратузилмани талаб даражасига олиб чиқиш ва бошқалар.

Худудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва шу билан мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Андижон вилояти ҳудудларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг келгуси беш йилдаги истиқболларини ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарнинг «ўсиш нуқталари»ни белгилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали ахоли саломатлиги ҳамда турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди[1]. Қарорнинг 2 бандида Андижон вилоятида 2022 – 2026 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ва саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,4 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2 бараварга, хизматлар ҳажмини 3,0 бараварга ҳамда қурилиш ишлари

ҳажмини 1,4 бараварга оширишни назарда тутувчи шаҳар ва туманлар кесимидағи мақсадли кўрсаткичлар параметрлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Қарорнинг 4 бандида эса вилоят шаҳар ва туманларининг ихтисослашуви, «ўсиш нуқталари» ва «драйвер соҳалари»ни ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг йиғма параметрлари ишлаб чиқилди.

Вилоят бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ихтисослашган минтақадан саноат тараққий этиб бораётган минтақага айланиб бормоқда. Вилоят саноатининг ўзига ҳос ҳусусиятлари, вилоят саноат маҳсулотларидағи улиши 71% дан ортиқ қисми машинасозлик саноати маҳсулотларига ҳисасига тўғри келади ва машинасозлик корхоналарининг мужассамлашув даражаси юқори эканлиги. Асосий машинасозлик корхоналари асосан Андижон ва Асака саноат тугунларида жойлашган, биргина саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида Асака тумани нинг улуши 58,2 фоиз, Андижон шахри 16,1 фоизни ташкил этса, Улугнор, Булоқбоши туманларида эса мос равишда 0,7 фоиз, 0,9 фоизга тўғри келади [2].

Вилоят саноатининг ўзига ҳос ҳусусиятларидан бири фундаментал машинасозлик ёки оғир саноати корхоналарини ташкил этиш учун табиий, иқтисодий-ижтимоий омиллар етарли эмас. Бу ҳолат вилоят туманларида енгил саноат тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш кераклигини илмий асослайди. Бой хом ашёга эга бўлган Андижон вилоятида енгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 397-сон қарори [3] асосида пахта хом ашёсини тўлиқ қайта ишлашга катта этибор қаратилган.

Вилоят саноатининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва айrim қишлоқ хўжалигига асосланган туманларда саноат тармоқларини ривожлантириш орқали мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариш лозим.

Бундай туманларда енгил саноат тармоқлари ип-йигириув, тўқимачилик корхоналарини жойлаштириш бир қатор авзаликларга эга. Мехнат ресурслар, айниқса, меҳнатга лаёқатли ёшидаги аёлларнинг кўплиги, хом ашёнинг мавжудлиги, катта инвестиция талаб қилмасдан енгил саноат корхонасининг у ёки бу бўғинидаги қайта ишлаш корхонасини барпо этиш мумкинлиги мана шундай авзаликлардан [4].

Фарғона водийсидаги узоқ йиллар давомида интеграция жараёнларига сиёсий чегаралар катта тўсиқ бўлиб келди, 2017 йилдан президентимизнинг атрофдаги қардош мамлакатлар билан дўстона сиёсат олиб бориши интеграция жараёнларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Вилоятда саноат тараққиёти учун энг катта тўсиқ бўлаётган электр энергия масаласини анча юмшади. Хусусан, иқтисодиёти юксалиши учун энг катта туртки бўлган Тўракўрғон ИЭС ишга туширилиши ҳам президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг фундаментал саноат тармоқларини ривожлантиришга нақадар катта эътибор қарататётганлигининг яна бир исботи.

Андижон вилоятида 2022 йил яқунларига кўра ЯҲМ таркибида қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик тармоғининг улуши 43,4 фоиз, саноатнинг улуши эса 23,7 фоизни ташкил этган [2]. Рақамлардан кўринадики, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизида саноат тармоқларини барпо этиш ҳудуддаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал этишда асосий вазифасини бажаради. Вилоят саноати ҳудудий таркибини такомиллаштиришда, ҳудудлар иқтисодий-ижтимоий инфратузилмасини шакллантиришда, аҳолини иш билан таъминлашда ва янги “ўсиш қутуб”ларини юзага келтириш ва ривожлантиришда вилоятда енгил саноат айнан тўқимачилик кластерларни илмий асосда ташкил этиш зарур. Бунда минтақалардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт шароитлар ва кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш талаб этилади. Маълумки, пахтани қайта

ишлиш тармоқларини комбинат шаклида жойлаштириш амалиётда катта самара беради. Махсулот ҳусусиятидан келиб чиқиб юкларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ортиқча сарф ҳаражатларга ва вактдан ютқазишга сабаб бўлади ва пировардида маҳсулот таннархига ўз таъсирини кўрсатади. Маълумки, тўқимачилик корхоналари хом-ашёни энг кўп талаб қиласидан ишлаб чиқариш тармоқлари қаторига киради. Айрим ҳолатларда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидаги хом-ашё ва асосий материалларнинг улиши 90% гача бўлиши мумкин [5]. Шу сабаб пахтачиликда тўлиқ циклли ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, вилоятда 2020 йилда 11 та пахтачилик кластери ташкил этилган бўлса 2022 йилга келиб уларнинг сони 19 тага етди. Уларнинг барчасида пахта тозалаш корхоналари мавжуд ҳамда энг илгор кластерлар ички ва ташқи бозор учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Илгари пахтачиликда асосан ялпи ҳосил хажмига эътибор қаратилиб келинган, яъни дехқон пахтани этиштирсан, уни қайта ишлиш ва тола сифати ҳақида ўйламаган. Бугунги кластер бирлашмалари эса тола сифатига катта эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга кластер бошқарув тизимини жорий этишда ягона қолип мавжуд эмаслигини тушунган ҳолда мавжуд табиий, иқтисодий-ижтимоий шароитдан келиб чиқиб назарий асосларни амалиётга жорий этиш лозим.

Бугунги кунда Андижон иқтисодиётига кластер тизимини жорий этишда қўйидаги ёндашув ва омиллар ҳисобга олиш зарур:

- тизимдаги меҳнат ресурсларининг дунёқарashi ва янгиликни қабул қилиши, янгича ишишга мослаша бориши;
- бошқарув тизимини мутлақо бошқача ташкил этилганлиги, ҳар бир бўғинни ташкил этишда маҳаллий шароитларнинг инобатга олиниши;
- тез фурсатларда йирик корхоналар барпо қилиш эса уларнинг кейинги фаолиятини назорат қилишни қийинлаштиради, чунки мавжуд шароит кейин қандай бўлишини вақт кўрсатади;

- йирик тармоқларни ташкил этиш мураккаб бошқарув тизимини ташкил этишни янада қийинлаштиради, оқибатда тизимга давлатнинг керагидан ортиқ аралашувига сабаб бўлади;
- аввалига кичикроқ хўжаликларнинг фаолиятини кенгайтириш лозим, турли бўғинлар мутаносиблиги (пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш орасида мувозанат бўлиши) керак;
- вилоят шароитида етиштирилаётган пахта хом ашёси шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишланишига эришиш. Дарҳақиқат пахта-кластерларини ташкил этишда унча катта бўлмаган ҳудудлар йирик корхона ёки компания атрофида жамланган хўжалик субъектларини ташкил этиш мақсадга мувофик.

Андижон вилоятида мавжуд фермер хўжаликлари ва пахта тўқимачилик кластерларнинг таққослама қўрсаткичлари (2022 йил ҳолатига)

№	Туманлар	Корхона номи	Ажратилган ер майдони (гаектар)	Ялпи хосил (тонна)	Хосилдорлик (цен)
1	Андижон	"Sohib omad barakasi" MCHJ	$\frac{2292}{1998}$	$\frac{9377}{5870}$	$\frac{40}{29.3}$
2	Балиқчи	"Tetratex" MCHJ	$\frac{2395}{4376}$	$\frac{9561}{15981}$	$\frac{39.9}{36.5}$
		“Sokorton tekistil” MCHJ	$\frac{0}{2978}$	$\frac{0}{11991}$	$\frac{0}{40}$
3	Бўстон	"Sayyora favvorasi" MCHJ	$\frac{1189}{3787}$	$\frac{5269}{10440}$	$\frac{44.3}{27.5}$
		“Sokorton tekistil” MCHJ	$\frac{0}{61}$	$\frac{0}{159}$	$\frac{0}{26}$
4	Булоқбоши	“Fayz-M” MCHJ	$\frac{96}{2431}$	$\frac{438}{9061}$	$\frac{45}{36.5}$
5	Жалакудук	“Alyortex” MCHJ	$\frac{378}{6218}$	$\frac{1798}{21181}$	$\frac{47.5}{34}$
		“Asaka tekistil” MCHJ	$\frac{0}{1430}$	$\frac{0}{3664}$	$\frac{0}{25.6}$

6	Избоскан	“Best tekstil” MCHJ	$\frac{0}{3105}$	$\frac{0}{8877}$	$\frac{0}{28.5}$
		“Sokorton tekistil” MCHJ	$\frac{0}{179}$	$\frac{0}{408.5}$	$\frac{0}{22.8}$
7	Улугнор	“Vodiy sanoat fahri” MCHJ	$\frac{1842}{3992}$	$\frac{10010}{9682}$	$\frac{54.3}{24.2}$
		“Asaka tekistil” MCHJ	$\frac{0}{2485}$	$\frac{0}{6882}$	$\frac{0}{27.6}$
8	Марҳамат	"Marhamattekistil" MCHJ	$\frac{1387}{3220}$	$\frac{7799}{10238}$	$\frac{56.2}{31.7}$
9	Пахтабод	“Oltinnmatontx” MCHJ	$\frac{177}{4313}$	$\frac{5157}{12897}$	$\frac{29.1}{29.8}$
		“AL-Hakim” MCHJ	$\frac{0}{1399}$	$\frac{0}{5029}$	$\frac{0}{35.9}$
10	Олтинкўл	“Qadir-tekistil” MCHJ	$\frac{465}{4527}$	$\frac{2345}{14088}$	$\frac{50.4}{31.1}$
11	Хўжаобод	“Fayz-M” MCHJ	$\frac{783}{850}$	$\frac{3496}{2784}$	$\frac{44.6}{32.7}$
		“Alyor tex” MCHJ	$\frac{0}{25}$	$\frac{0}{92}$	$\frac{0}{36.8}$
12	Шаҳриҳон	“Sahovat tex” MCHJ	$\frac{1781}{4887}$	$\frac{9510}{16916}$	$\frac{53.3}{34.6}$
13	Кўрғонтепа	"KHANTEX CROUP" МЧЖ	$\frac{3381}{3533}$	$\frac{18165}{10676}$	$\frac{53.7}{30.2}$
		“Sokorton tekistil” MCHJ	$\frac{0}{915}$	$\frac{0}{2477}$	$\frac{0}{27}$
14	Вилоят бўйича	Жами:	$\frac{19544}{55430}$	$\frac{103161}{174222}$	$\frac{52.7}{31.4}$

Жадвал: Андижон вилояти қишилоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, ҳудудларда шу жойнинг шароитидан ва ўзак корхоналарнинг моддий-техник базасидан келиб чиқиб кластерларга ер майдонлари ажратилиб берилганини кўришимиз мумкин. Бир неча йилдан буён мавжуд бўлган пахта-тўқимачилик кластерлари пахта хосилдорлигини оширишда катта натижаларга эга бўлган. Бунинг бир нечта сабаби бўлиб буларга кластер бирлашмаларининг моддий техник базасини бойлиги ижтимоий меҳнат

тақсимотини тўғри ташкил этилганлиги, молиявий ҳолатининг яхшилиги билан изоҳлаш мумкин. Пахта-тўқимачилик кластерларининг қамрови ва ривожланишига кўра вилоятни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

А) Кўрғонтепа, Андижон, Бўстон, Избоскан, Марҳамат, Хўжаобод, Шахрихон, Балиқчи бу туманларда пахта-тўқимачилик кластерлари мавжуд пахта экин майдонларининг 25% дан ортиқ қисмида дехқончилик қилади ва қўшимча қийматли маҳсулотлар яратади.

Б) Булоқбоши, Жалақудук, Улуғнор, Олтинкўл, Пахтабод туманларида эса аксинча бўлиб мавжуд пахта экин майдонларининг 25% дан кам ерларида дехқончилик қилади. Қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосан бирламчи қайта ишлаш етакчилик қилмоқда.

Кластер бирлашмалари вилоятимизда 2018 йилдан бошлаб ташкил этила бошлади ва хозирги кунга келиб маълум натижаларга эришди. Ҳусусан, пахта экин майдонларида ҳосилдорлик йилдан йилга ортиб бормоқда. Балиқчи туманидаги "Тетратекс" МЧЖ 2020 йилда хар гектаридан 34.6 центенер ҳосил кўтарган бўлса 2022 йилга келиб 39.9 центенер ҳосил кўтарган. Бундай ижобий ўзгаришлар Улуғнор туманидаги "Водий саноат фахри" МЧЖ да мақтовга лойиқ 2020 йилда чўлли ҳудудда хар гектарарадан 25 центенер ҳосил кўтарган бирлашма 2022 йилга келиб 54.3 центенер ҳосил кўтарди. Бундай ижобий ўзгаришлар Марҳамат текстилда 18.4 центенер, "Хўжабод Файз-М" МЧЖ да 6.6 центенер, "Саҳоват текс" МЧЖ да 12.5 центенер, "KHANTEK CROUP" МЧЖ да эса 16.1 центенер ташкил этган. Бунинг сабаби, дехқончиликга янги технологияларни, янгича бошқарув тизимини ва қарашларни олиб кириш туфайли юқори ўсишларга эришилган. Фақатгина Пахтабод туманидаги "Олтинматотекс" МЧЖ тумандаги фермер хўжаликлариға қараганда хар гектар ердан 0.7 центенер паст ҳосил кўтарган. Вилоятдаги бошқа ҳамма кластерларни ҳосилдорлиги юқори бўлиб айникса чўлли ҳудудларда

ташкил этилган кластерлар мавжуд имкониятлардан унимли фойдаланаётганинни кўришимиз мумкин. Кластерлар ўзларига бириктирилаган ерларда тупроқ ва иқлимий шараоитини ўргангандан ҳолда экин турини танлашга эътибор қаратмоқда. Шу сабабли туманларда хосилдорлик бир биридан фарқ қилмоқда.

Хулоса қилганда вилоят хўжалиги кластер тизимини худудий ташкил этишда қўйдагиларга амал қилиш керак.

Биринчидан, вилоятда халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришда табиий, иқтисодий-ижтимоий имкониятларига этибор бериш лозим;

Иккинчидан, Вилоят иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан ўзига ҳос устунлик ва камчилик жиҳатлари мавжуд. Устун жиҳатларидан фойдаланишда “ўсиш қутб”ларини ривожлантириш учун ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқиш ва шу ҳудудларнинг лакоматив соҳаларини аниқлаш ва уларни мақсадли қўллаб қувватлаш лозим;

Учинчидан, вилоятда енгил саноат айнан тўқимачилик кластерларни илмий асосда ташкил этиш орқали ҳудуднинг саноат салоҳиятини кўтариш. Кластер тизимини жорий этишда вилоятнинг ўзига ҳос хусусиятларини эсдан чиқармаслик;

Тўртинчидан, туманлардаги кластер тизмларини таҳлил қилиш орқали тармоқлар орасидаги вертикал боғланишни ўргангандан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва кластерлар қамровини кенгайтириш ва бошқалар.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2022 йил “21” апрелдаги 204-сонли қарори. <http://lex.uz>.

2. Андижон вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари. 2017-2022 й

3. Эргашев С.А., Одилов Н.К. Андижон вилоятида тўқимачилик кластерларини ташкил этиш: “Экономика и социум” электронное научно-практическое периодическое издание. Выпуск №6(85) часть 2 (июнь, 2021). <http://www.iupr.ru>

4. Эргашев С.А., Жўраев Ш.С. Ўзбекистонда пахта тўқимачилик кластерлари ташкил этишнинг баъзи бир масалалари: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Корақолпогистон бўлимининг ахборотномаси.-Нукус: 2022.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги 22.06.2020 йил 397-сон қарори. <http://lex.uz>.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида 04.12.2021 йил 733-сонли қарори. <http://lex.uz>.

7. Порттер М.Э. Конкуренция: Пер. с англ. / Майкл Порттер. – М.: Вильямс, 2003. – 605 с.

8. Андижон вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари.

9. Андижон вилояти ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари.